

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 15109 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрда ялпи худудий маҳсулотнинг 71,1 фоизи (2017 йил январь-сентябрда 69,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2339,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 42,7 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 104,1 фоизни ташкил қилди;

- 4401,8 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 103,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,6 фоизи) ташкил қилди.

- 1429,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 23,2 фоизи) ўзлаштирилди

- 2029,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 84,2 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 13,3 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,4 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,2 фоизи ёки 5043,9 млрд. сўми (ўсиш 102,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 73,2 фоизи ёки 3374,4 млрд. сўми (ўсиш 104,7 фоиз) шакллантирилди.

- 51,1 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 44,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 184,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 36,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-сентябрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

| | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i> | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i> |
|---------------------------------|--|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 4401,8 | 100,0 |
| Саноат | 2339,8 | 55,2 |
| Қурилиш | 2029,9 | 52,0 |
| Чакана савдо | 4075,9 | 100,0 |
| Юк ташиш, млн тн. | 45,3 | 39,8 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 215,2 | 82,1 |
| Экспорт, млн.АҚШ долл. | 51,1 | 44,3 |
| Импорт млн. АҚШ долл. | 184,7 | 36,9 |

Ялпи худудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушкининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

